Atlanta 1996

# ОЛИМПИАДА — СИНОВ БЎЛДИ

**_Тарихга айланган Атланта олимпиадасида иштирок этган 15 нафар вилоятимиз спортчиларининг бири медал билан қайтган бўлса, яна 5 нафари кучли ўнликдан жой олди._**



БУГУН кўпчилик республикамиз спортчиларининг Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган олимпиада ўйинларидаги иштирокини турлича баҳоламоқда. Бу табиий ҳол. Чунки, ҳар ким ўз юртдошларининг ғалабасини хоҳлайди. Лекин, назаримизда биринчи марта мустақил давлат сифатида иштирок этган Ўзбекистон спортчилари бу мусобақаларда ёмон натижаларга эришмадилар. Атланта олимпиадасида қатнашган 197 давлатдан 71 тасигина медал олганлиги, Ўзбекистон эса умумкоманда ҳисобида 58-ўринни эгаллаганлиги буни яққол кўрсатиб турипти.

Албатта, кўпчилик муштарийларимизни, спорт ишқибозларини вилоятимиз вакиллари эришган натижалар кўпроқ қизиқтиради. Шуни дадил айтиш мумкинки, республикамиз қўлга киритган муваффақиятда уларнинг қўшган ҳиссалари салмоқли бўлди. Мамлакатимизнинг биринчи кумуш медалини тошкентлик дзюдочи Армен Багдасаров олган бўлса, иккинчи — бронза медалини вилоятимиз вакили, зангиоталик боксчи Карим Тўлаганов қўлга киритди.

— Олимпиада ўйинлари республикамиз спортчилари қатори вилоятимиз вакиллари учун ҳам дастлабки катта синов бўлди, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳром Ғофуров. — Улар мусобақаларнинг бокс, дзюдо, енгил атлетика, гимнастика, байдарка ва каноэ, эркин кураш, юнон-рим кураши, велоспорт ва бошқа қатор турларида фаол иштирок этдилар. Карим Тўлаганов бронза медалини қўлга киритган бўлса, дзюдочи чирчиқлик Андрей Штурбабин саккизинчи, янгиободлик енгил атлетикачи Рамил Ғаниев ўн курашда саккизинчи, олмалиқлик эркин курашчилар Атҳам Очилов еттинчи, Дамир Заҳриддинов — саккизинчи, оққўрғонлик яна бир полвонимиз Шермуҳаммад Қўзиев юнон-рим кураши беллашувларида ўнинчи ўринни эгалладилар. Умуман, республикамиз спортчиларининг 13 нафари кучли ўнликдан жой олган бўлса, уларнинг олти нафари Тошкент вилояти вакилларидир.

Дарҳақиқат, Атланта ўйинларида вилоятимиз вакиллари эришган натижалар сўнгги йилларда вилоятимизда спортни ривожлантиришга эътибор кучайиб бораётганлигининг самарасидир. Шаҳар ва туманларимизда янги ўйингоҳларнинг ишга туширилаётганлиги, айниқса, ёшлар ўртасида физкультура ва спортни ривожлантиришга ҳаракат қилинаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак,

Мана, қаранг, олимпиада ўйинларида иштирок этган спортчиларимизнинг саккиз нафари вилоят спорт мактабларида тарбияланиб, вояга етишган. Карим Тўлаганов, Андрей Штурбабин, Дмитрий Соловьев, Темир Иброҳимов, Жамолиддин Абдужабборовлар вилоят физкультура ва спорт қўмитасининг махсус спорт мактабида таълим олган бўлсалар, Атҳам Очилов, Дамир Заҳриддинов, Шермуҳаммад Қўзиев вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли спорт мактабининг собиқ талабаларидир.

Катта олимпиада ўйинлари ортда қолди. Лекин, олдинда янги-янги мусобақалар, чемпионатлар турипти. Яна бир йилдан сўнг Қозоғистонда Марказий Осиё ўйинлари, 1998 йилда эса Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Эндиликда спортчиларимиз бутун диққат-эътиборни ана шу мусобақаларда муваффақиятли қатнашишга қаратишлари керак. Қолаверса, навбатдаги олимпиада — Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказиладиган ўйинларда янада юқори натижаларга эришиш учун шу бугундан мустаҳкам замин ҳозирлаш лозим.

Ўйлаймизки, Атланта олимпиадасида ўзига хос из қолдирган Тошкент вилояти вакиллари келгусида ҳам она-Ватанимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшаверадилар.

**_Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ._**

**Ўзбекистон миллий Ахборот агентлиги махсус мухбири Алишер Рисқиев Атлантада бўлиб, Олимпиаданинг сиз кўриб турган ҳаяжонли лаҳзаларини тасвирга туширди.**





*Ватан меҳрин дилга жо қилиб*

# УЧИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИЛАР



**_Илгари хабар қилганимиздек, Тошкент вилоятининг «Дўстлик» командаси Германияда эътиборли турнирда қатнашди. Спорт шарҳчимиз ана шу сафар ҳақида сўзлаб беришни команда бошлиғи, «Дўстлик» футбол клуби вице-президенти МАҲМУДЖОН РАҲИМОВдан илтимос қилди._**

— Биз 30 июль куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «А-310» самолётида Германияга қараб учдик, — дейди Маҳмуд Раҳимович. — Кечқурун Франкфурт қўналғасида бизни Ўзбекистон элчихонаси вакиллари кутиб олдилар. Кейин мусобақа ташкилотчилари Штутгарт орқали кичкинагина Баккнанг шаҳридаги «Сонненхоф» меҳмонхонасига олиб боришди. Бу меҳмонхона Ферберлар хонадонига тегишли экан. Уларнинг ўзи футболнинг ашаддий ишқибозлари бўлиб, Германиянинг тўртинчи дивизионида ўйнайдиган футбол жамоасига эга эканлар. Меҳмонхонанинг ёнгинасида иккита футбол майдони бор. Уларнинг бири майса билан қопланган, иккинчиси сунъий қоплама билан жиҳозланган.

**— Сизлар ҳам ўша ерда машқ қилгандирсизлар?**

— Ҳа, бундай ажойиб майдонларда мириқиб машқ қилиш ва ўйнаш мумкин. Биз бу ерда 31 июль ва 1 августда астойдил машқ қилдик. Ферберлар, шу жумладан, оила бошлиғи Уле турнирнинг ташкилотчиларидан бири бўлишди.

**— Мусобақада қайси жамоалар иштирок этди?**

— Бу мусобақа халқаро бўлиб, иккинчи бор ўтказилаётган экан. Германия мезбон бўлганлиги учун учта жамоа билан қатнашди. Булар «ТСГ Баккнанг», «ФК Виктория» (иккови тўртинчи дивизиондан) ва «ФФЛ Кирхайм» (учинчи дивизион) жамоаларидир. Франция учинчи дивизионда ўйнайдиган «Олимпия», Исроил олий лиганинг «Ваффо-Тель-Авив» жамоасини, Голландия эса «Хатэрт Ниймеген» жамоасини юборган эди. Еттинчи бўлиб бизнинг «Дўстлик» футболчилари қатнашишди.

**— Ўйинлар қай йўсинда ўтказилди?**

— Жамоалар икки гуруҳга бўлинган эди. Биз «Виктория», «Кирхайм» ва «Олимпия» билан бирга «А» гуруҳига тушдик. Биринчи ўйинимиз муваффақиятли бўлди. Биз Франция футболчиларини 3:0 ҳисобида осонликча ютдик. Эртаси куни турнирдаги энг кучли жамоа ҳисобланадиган мезбонларнинг «Кирхайм» жамоаси билан ҳам яхши ўйнадик. Бу сафар 3:1 ҳисобида ғолиб чиқдик.

4 август куни эса анча тер тўкишга тўғри келди. Бир куннинг ўзида учта ўйин ўтказдик. Футболчилар майдонда 270 минут давомида ҳаракат қилишди. Шундай бўлса-да, синовдан шараф билан ўтдик. Биринчи — эрталабки ўйинда «Виктория» устидан ишончли ғалаба қозондик — 3:1. Куннинг ярмида «Б» гуруҳида иккинчи ўринни олган Тель-Авив футболчилари билан мусобақалашишимизга тўғри келди. Бунда омад биздан юз ўгирди — 1:3 ҳисобида енгилдик. Соат уч яримда эса учинчи ўйин бўлди: биз учинчи ўрин учун «Баккнанг» билан баҳслашдик. Чарчаганлигимизга қарамай қийин беллашув



бизнинг 1:0 ҳисобида ғалабамиз билан якунланди ва фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдик. Турнирда «Кирхайм» ғолиб чиқди. Бу жамоа ўйиндан кейин белгиланган пенальтилар натижаси бўйича (асосий вақтда ҳисоб 0:0 эди) бизни «ранжитган» исроилликларни енгди — 5:3.

**— Футболчиларимиздан кимларни алоҳида ажратиб кўрсатишингиз мумкин?**

— Бутун жамоа жуда яхши ўйнади. Шунинг учун ҳар бир ўйинчи мақтовга лойиқдир. Уч тўп киритган Жаъфар Ирисметов турнирнинг энг яхши тўпурари бўлди ва унга махсус соврин топширилди. Иккинчи ҳужумчимиз Фарид Хабибулин иккита тўп киритди. «Дўстлик» жамоаси таркибида республика футбол федерациясининг таклифига кўра пахтакорчи Дилмурод Назаров ҳам ўйнади. У ҳам рақиблар дарвозасини икки марта ишғол қилди. Маҳаллий мутахассисларнинг якдил фикрига кўра ҳимоячи Сойиб Аҳмедов жуда чиройли ўйин кўрсатди. Майдон ўртасида Владимир Гальянов, ҳимояда эса Рустам Шоймардонов ишончли ҳаракат қилдилар. Ҳар сафаргидек Тўра Шоймардонов жамоамизнинг энг тиришқоқ, ҳужумкор ўйинчиси сифатида ўзини кўрсатди. Албатта, жамоа бош мураббийси Рустам Мирсодиқов ва устози Евгений Валицкийлар жуда катта иш олиб бордилар.

Мусобақаларни маҳаллий матбуот кенг ёритиб борди. Радио орқали, шунингдек маҳаллий телевидение бўйича тўғридан-тўғри репортажлар берилди. Мусобақа қатнашчилари учун маданий тадбирлар ҳам уюштирилди.

Мезбонлар Ўзбекистон ҳаёти билан, хусусан, футболни ривожлантирилиши билан жуда қизиқдилар. Биз миллионлар севган ўйиннинг ривожлантирилиши учун ҳукумат махсус қарорлар қабул қилганлиги ҳақида гапириб бердик.

Биз сунъий қопланган майдон тайёрловчи фирма вакиллари билан учрашдик. Ана шу учрашувларимиз натижаси ўлароқ муайян мулоҳазалар туғилди. Биз ўз таклиф ва лойиҳаларимизни Ўзбекистон Футбол федерациясига етказамиз.

Умуман, Германияга қилинган сафар ғоят қизиқарли, мароқли ва самарали бўлди.

**СУРАТЛАРДА: «Дўстлик» жамоаси. Германиядаги турнирнинг энг яхши ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов; мусобақага бағишлаб махсус чиқарилган журнал муқоваси.**




# ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

**Иккинчи давранинг биринчи ўйинида Тошкентнинг «Трактор» жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғалабага эришган вилоятимизнинг «Дўстлик» футболчилари кеча Самарқандда маҳаллий «Динамо» жамоасининг меҳмони бўлдилар.**

РОППА-РОСА бир ойлик танаффусдан сўнг, ҳали энг катта спорт анжумани — Атланта олимпиадаси ўйинларининг ҳовури совумасдан ишқибозларнинг нигоҳи яна футбол майдонларига қаратилди.

Аввало, шуни айтиш керакки, бир ойлик таътил вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси учун баракали бўлди. «Дўстлик» мамлакат кубоги учун бўлган учрашувларни муваффақиятли ўтказди. (Хабарингиз бор, «Дўстлик» ярим финалга чиқди). Шунингдек, Германияда етти жамоа ўртасида ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган футболчиларимиз фахрли учинчи ўринни эгаллаб қайтишди. Чамаси ана шу руҳ, жанговарлик иккинчи давранинг биринчи ўйинида ўзининг натижасини кўрсатди. «Дўстлик» Тошкентнинг «Трактор» жамоасини 2:1 ҳисобида ютди.

Одатда, маълум бир танаффусдан кейин, жамоаларнинг ўйинида, таркибида қандайдир ўзгаришлар юз беради. Лекин, бу учрашувга «Дўстлик» ҳам, «Трактор» ҳам ўзининг энг яхши таркибини қўйди. Ўйин биринчи дақиқаларданоқ шиддатли тус олди. Айниқса, биринчи қисмда ўйин муросасиз бўлди. Дастлаб Фарид Хабибулин бошлаган ҳужумни Жаъфар Ирисметов натижа билан якунлади. Ҳисоб 1:0. Аммо, ўйиннинг ўрталарида қоида бузилди. «Дўстлик» дарвозасига 11 метрлик жарима тўпи белгиланди. Уни бехато тепган Александр Хвостунов ҳисобни тенглаштирди. Шундан сўнг «Дўстлик» футболчилари ҳужумни янада кучайтирдилар. Владимир Гальянов, Фарид Хабибулин, Жаъфар Ирисметов, Аваз Хошимов, айниқса, фаол ҳаракат қилишди. Бу ҳужумлар биринчи бўлимнинг якунланишига саноқли дақиқалар қолганда ўз натижасини берди. Аваз Ҳошимов иккинчи тўпни киритди.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида ҳар иккала жамоалар қанчалик ҳаракат қилишмасин, ҳисоб ўзгармади. Шундай қилиб, иккинчи даврани «Дўстлик» ғалаба билан бошлади. Мутахассислар шу куни «Дўстлик» дарвозабони Герман Безденежнихнинг ўйинини ҳам алоҳида таъкидладилар.

Кеча навбатдаги беллашувни «Дўстлик» жамоаси Самарқандда маҳаллий «Динамо» жамоаси билан ўтказди. Биз вилоятимиз спорт ишқибозларини эса

*24 август куни «Дўстлик» ўйингоҳига таклиф этамиз. Шу куни вилоятимиз жамоаси Андижоннинг «Наврўз» командасини қабул қилади.*

**Ф. ФАТТОҲОВ.**

## СОЧ «ҲИКОЯ» ҚИЛАДИ

АҚШдаги Чикаго саломатлик институтининг мутахассислари инсон саломатлиги ҳолатини унинг соч толалари тузилмасига қараб аниқлашни ўрганиб олишган. Масалан, соч толасида рух миқдорининг кўпайиши иммун тизимидаги жароҳатлардан дарак беради, маргумиш кўпайиб кетса, заҳарлашга уринилганлигини кўрсатади, қўрғошиннинг ортиб кетиши тасодифий ва кўп сонли заҳарланиш оқибати ҳисобланади.

Соч толалари заҳарли моддаларни аниқлаш учун тадқиқот ишлари олиб боришга жуда қулайдир. Шу йўл билан инсон бутун умри давомида қанча миқдорда заҳар олганлигини осонлик билан аниқлаш мумкин.

Институт олимлари қасддан заҳарланган Наполеон соч толаларида рух миқдори кўпайиб кетганлигини аниқладилар. Ўтмишнинг машҳур кишиларидан бастакор Бетховен ошқозонида содир бўладиган қаттиқ оғриқдан халос бўлиш учун морфийдан кўп фойдаланган деган миш-мишлар ҳақиқатга тўғрилигини аниқлаш учун унинг соч толаларини текшириб кўрдилар. Бироқ уларда гиёҳванд моддалар қолдиқлари борлиги аниқланмади. Ҳозирги вақтда олимлар, бастакор нима учун кар бўлган ёки ундаги бу касаллик туғма бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш устида изланмоқдалар. Унинг сочларини тадқиқ қилиш билан Бетховеннинг туғма касалликларини аниқлаш мумкин. Чикагодаги саломатлик институти президенти Уильям Уолш шундай деб ҳисобламоқда.

*Бу қизиқ*

## КОИНОТ КЕНГЛИГИДАГИ КОМЕТАЛАР...

КОИНОТ сирларини аниқлаш билан шуғулланувчи олимларнинг фикрича, ҳозирги вақтда унинг чегарасиз кенгликларида сал кам икки мингта турли-туман, катта-кичик кометалар ва астероидлар сузиб юрипти. Агар ер уларнинг бирортаси билан тўқнашса, ниҳоятда катта фалокатлар юзага келиши мумкин.

Биргина Африка ҳудудида бундан тахминан 360 миллион йил илгари ерга тушган осмон жисмлари ҳосил қилган учта жуда катта чуқурликлар бор. Марказий Американинг Юкатан ярим оролидаги кратер нисбатан «ёшроқ» бўлиб, у бундан 65 миллион йил кейин ҳосил бўлган эди. Унинг айланаси 300 километрга яқин. Агар метеоритнинг айланаси бир километрдан ошиқ бўлса, унинг ер билан тўқнашиши оқибатида атмосферага шунчалик кўп ҳажмда тупроқ, чанг, газ кўтарилиши мумкинки, улар узоқ давр мобайнида ер сатҳига қуёш нурини ўтказмай ва туширмай қўяди. Табиийки, бу ҳосилнинг нобуд бўлишига ва очарчилик юзага келишига сабаб бўлади. Худди шундай осмон «меҳмони»нинг уммонга тушиши ҳам даҳшатли фалокатларга олиб келиши мумкин.

Шундай фалокатлар юзага келиши мумкинлигини айни кунларда ҳам инкор қилиб бўлмайди. Буни ҳисобга олган АҚШ ҳукумати Миллий Аэронавтика ва космик кенгликни тадқиқот қилиш бўйича бошқарма (НАСА)га осмон жисмлари ҳаракати устидан доим кузатиш олиб боришни топширди. Айниқса, курраи заминимизга нисбатан кўпроқ хавф солиши мумкин бўлган метеорит ва астероидларни мунтазам назорат қилиш тавсия этилди. Назарий жиҳатдан космик ракеталар двигателлари билан осмон жисмлари орбитасини ўзгартириш имконияти бор.

## ИНФАРКТГА ҚАРШИ

ГЕРМАНИЯ неврапотолог ва психотерапевт шифокорларининг ярмидан кўпроғи қаттиқ руҳий тушкунликка мойил бўлган беморларга мушук боқишни тавсия этадилар. Олимлар бундай жониворлар уйда жанжалли ҳолатларни юмшатади, хотиржамликни, қандайдир илиқлик ва саранжом-саришталикни юзага келтиради, деб исбот қилганлар.

Уларнинг фикрича, инсонлар ва мушукларда шундай умумийлик борки, улар силашни ёқтиришади. Тадқиқотчилар мушук билан узоқ вақт дўстлашиш инсоннинг иммун тизимини мустаҳкамлашга олиб келади дейишяпти. Бу ўз навбатида саломатликни яхшилайди ва узоқ умр кўриш омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, мушукни силаш қон босимининг пасайишига ёрдам беради. Мушук, ҳатто, инфарктнинг олдини олиши ҳам мумкин, дейишмоқда олимлар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0430. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8577 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6